

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РУЗМЕТОВ НЕЪМАТ КАЛАНДАРОВИЧ**

**МАХСУС МАШҚЛАР МАЖМУАСИ ЁРДАМИДА БОЛАЛАРНИНГ  
МУВОЗАНАТ САҚЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти  
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Рузметов Неъмат Каландарович**

Махсус машқлар мажмуаси ёрдамида болаларнинг мувозанат сақлаш  
қобилиятини шакллантириш.....3

**Рузметов Неъмат Каландарович**

Формирование у детей способности к равновесию с помощью специальных  
комплексных упражнений.....27

**Ruzmetov Nemat Kalandarovich**

Formation of capability in balancing children by with special complex  
exercises.....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 03/30.12.2019.Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РУЗМЕТОВ НЕЪМАТ КАЛАНДАРОВИЧ**

**МАХСУС МАШҚЛАР МАЖМУАСИ ЁРДАМИДА БОЛАЛАРНИНГ  
МУВОЗАНАТ САҚЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти  
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped 460 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетидега бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.uz-diti.uz](http://www.uz-diti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шарипов Аллаберган Комиллович  
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Абдиев Абдулла Носирович  
педогогика фанлари доктори, профессор

Хайдаров Бахтиёр Тожиевич  
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «11» декабр соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz), e-mail: [uzdjtsu@uzdjtsu.uz](mailto:uzdjtsu@uzdjtsu.uz). Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети «В» биноси, 2-кават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 211556 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй).

Диссертация автореферати 2020 йил «11» декабр кунни тарқатилди.

(2020 йил «11» декабр даги 11 рақамли реестр баённомаси).



М.Р. Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х. Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, п.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Б.Б. Мусаев

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси ўринбосари, п.ф.н., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёнинг кўпгина давлатлари таълим тизимида жисмоний тарбия дарслари жараёнида ўқувчиларда мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш, ҳаракат фаолиятининг асосий шакллари тақомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Мувозанат сақлашга ўргатишда махсус машқлардан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишига ўқув жараёнидаги долзарб муаммолардан бири сифатида қаралмоқда. Ҳозирги кунда ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини тарбиялашда уларнинг мувозанат сақлаш қобилиятларини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Бу омил ўқувчиларнинг нафақат жисмоний сифатларини ривожлантиришда, балки уларнинг комил шахс сифатида шаклланишида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Кўпгина давлатлар болалар жисмоний тарбия тизимида турлитуман ҳаракатларни бажариш ва жисмоний тайёргарликни ошириш учун махсус жисмоний машқларнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш талабини қўймоқда.

Жаҳонда болаларнинг мувозанат сақлаш қобилиятини ривожлантириш муаммолари бўйича катта далилий материал тўпланган. Жисмоний тарбия назарияси ва услубиятида мактаб ёшидаги болаларнинг мувозанат сақлаш функциясини шакллантириш хусусиятларига бағишланган кўпгина илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Ушбу муаммони ўрганишда тадқиқотчилар мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш ва болалар организми шаклланишининг турли ёш даврларида уни тақомиллаштириш хусусиятларига алоҳида эътибор қаратганлар. Болаларда мувозанат сақлаш функцияси ёш улғайиши билан тақомиллашиб боради ва вестибуляр юкламалар шаклидаги чалғитувчи омиллар шароитларида тана мувозанатини сақлай олиш кўрсаткичларида давомий ўсиш кузатилмоқда. Бунда турли хил ҳаётий вазиятларга мос ҳолда ўқувчиларда мувозанат сақлаш (статик ва динамик) қобилиятини тарбиялаш муаммосига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда жисмоний тарбия ўқув машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказишни тақомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда, бироқ илмий-услубий адабиётларда болаларда мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш ҳамда болалар организми шаклланишининг турли ёш даврларида уни тақомиллаштириш хусусиятлари етарлича ёритилмаган. Мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш, ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда баркамол шахсни тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратилган.<sup>1</sup> Хусусан, болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, маънавий ва жисмоний ривожланиши учун барча шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, илғор хорижий тажрибалар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 ташаббус «Xalq so'zi» gazetasi uz. 04.03. 2019.

асосида умумтаълим мактабида таълим сифатини ошириш учун салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, мувозанат сақлаш қобилятини шакллантириш учун мактабларда жисмоний тарбия дарсларининг ўқув жараёнида илмий асосланган ҳолда янги технологиялардан фойдаланиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги 4956-сонли «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сонли «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сонли «Жисмоний тарбия ва спорт» вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда таълим сифатини оширишга доир белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг: I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» билан боғлиқ устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Болаларнинг жисмоний тарбия машғулотларида мувозанат сақлаш қобилятини шакллантириш масалалари ўзбекистонлик олимлардан З.С.Артиқов, М.А.Аслонова, Б.Ғ.Бойбобоев, Ф.А.Керимов, Р.С.Саломов, Т.С.Усмонходжаевлар ишларида, шунингдек, болалик ёшида мувозанат сақлаш қобилятини шакллантиришда таянч-ҳаракат аппаратининг анатомик, физиологик ва функционал хусусиятлари Р.Д.Халмухамедов, Д.Д.Шарипова, А.К.Эштаев ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.<sup>2</sup> Жисмоний тарбия

<sup>2</sup>Артиқов З.М. Белбоғли курашда статик ва динамик кучланиш давомида мувозанат сақлаш функциясини шакллантириш методикаси.п.ф.б.ф.д.(PhD) дисс.автореф. – Ч., 2018,-24 б.; Аслонова М.А. Таълим жараёнида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш (бошланғич синфларнинг жисмоний тарбия дарслари мисолида). Дисс. п.ф.н. ЎзПФИТИ. – Навоий, 2009. – 80 б.; Бойбобоев Б.Ғ. Жисмоний тарбия дарсларида 11-14 ёшли ўғил болалар учун нагрукани меъёрлаш. 13.00.04. – п.ф.н., дисс. – Т., 1999. – 74 б.; Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар.. – Т.: Zar qalam, 2004. – 234 б.; Саломов Р.С., Дауренова С.Р., Юклама ва дам олиш жисмоний машқларни бошқаришнинг асосий компонентиدير// Научно-педагогические и медико-биологические проблемы обеспечения спорта высших достижений/ Республиканская научно-практическая конференция (20-21.05.2010). – Т.: УзДЖТИ, 2010. – С.141-142.; Сафарова Д.Д. Ёшга оид физиология. – Т.: ИТА, 2018. – 176 б.; Усманходжаев Т.С., Маткаримов Р.М., Болтаев З.Б. Здоровый образ жизни – залог психического и физического здоровья учащейся молодежи// Научно-педагогические и медико-биологические проблемы обеспечения спорта высших достижений / Республиканская научно-практическая конференция. – Т., 2011. – С.34 – 35.; Халмухамедов Р.Д., Основные критерии программно-нормативных требований для улучшения физической подготовленности учащейся молодежи// Научно-педагогические и медико-биологические проблемы обеспечения спорта высших достижений/ Республиканская научно-практическая конференция. – Т., 2011. – С. 296 – 298. Eshtayev A.K. Vadiiy gimnastika (akademik litsey va kasb-hunar kollej o'quvchilari uchun o'quv-uslubiy qo'llanma). Toshkent – 2016. 111 b.

<sup>3</sup>Бойченко С.Д., Карсеко Е.Н., Леонов В.В., Смотрицкий А.Л. О некоторых аспектах концепции координации и координационных способностей в физ.воспитании и спортивной тренировке // ТиПФК, №8. – М., 2003. – С.15-19.; Волков В.М. К проблеме предпосылок развития двигательных способностей //ТиМФК, №5-6. – М., 1993. – С. 41.; Зданевич, А.А. Возрастная динамика и особенности координационных способностей у младших школьников / А.А. Зданевич, Л.В. Шукевич // Физическая культура и здоровье, № 2. – М., 2008. – С. 14-20.; Лях В.И. Координационные способности школьников / В.И. Лях. – Минск: Полыма, 1989. – 159 с.; Илларионова А.В., Каплевич Л.В. Особенности внутримышечной и межмышечной координации при дозировании усилий в условиях неустойчивого равновесия

дарсларида ўқувчилар қобилиятларини ҳар томонлама тарбиялашнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Хорижий амалий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, жисмоний тарбия дарсларида болаларнинг мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган махсус машқларни жорий этиш масалалари С.Д.Бойченко, В.М.Волков, А.А.Зданевич, В.И.Лях, А.Н.Яроцкий, А.В.Илларионова, В.В.Дьяконов, Л.А.Смирнова, С.В.Вишнякова, Е.Ю.Лалаева, О.И.Новокшченнова, J.Raezek, W.Mynaski, W.Starosta, H.Grouious, G.H.Tsorbatzoudis, R.Alexandis, V.Barkoukis ва бошқаларнинг илмий ишларида қисман тадқиқ қилинган.<sup>3</sup> Бизнинг тадқиқотимиз ушбу муаммони ўрганишга бағишланган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида тарбияланувчи-ёшларнинг жисмоний тарбия тизимида педагогик технологияларни такомиллаштириш» мавзуси бўйича амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** махсус машқлар мажмуасини қўллаш асосида болаларда мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

умумтаълим мактабларидаги жисмоний тарбия дарсларида болаларнинг мувозанат сақлаш функциясини намоён қилишдаги тайёргарлик даражасини аниқлаш;

умумтаълим мактабларидаги жисмоний тарбия дарсларида болаларнинг мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш ва назорат қилиш учун «GymTop» тренажёрдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш;

умумтаълим мактабларидаги жисмоний тарбия дарсларида 5-синф болаларида мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш учун махсус машқлар мажмуасини қўллаш услубиятини ишлаб чиқиш;

махсус машқлар мажмуасидан фойдаланиш асосида болаларнинг мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш услубиятини тажрибада асослаш.

---

//ТиПФК, № 12. – М., 2014. – 116 с.; Яроцкий А.Н. Новые практические занятия по физиологии спорта //Физиология. / Учебно-методическое пособие. – Минск, 1994. –С.106-125.; Raezek J., Mynaski W., Lioch. Keztaitowanic I diaqnowanie Koordynacyinych zdolnoscii motorycznych. –AWF, - 2002, 237 p.; Starosta W. altowanie. Motoryczne zdolnoscii koordynacyjne: znaczenie, struktura uwarunkowania, kszt – Warszawa Miedzynarodowe Stowarzyszenia Motoryki Sportowej, 2003 y. – 552 p. Дьяконов В.В. Развитие выносливости, быстроты и силы у школьников и их воспитание на уроках физической культуры в 5 классе: Автореф. дисс... канд. пед. наук. М., 1982. 24 с. Дукальский И.Г. Динамика двигательных способностей и пути их повышения у детей младшего школьного возраста. Автореф. дис.канд.пед. наук; – М., 1993. – 22 с. Смирнова Л.А. Общеразвивающие гимнастические упражнения: методика обучения; учеб. пособие / Л.А. Смирнова. – М.: Бел наука, 1998. – 557 с. С.В. Вишнякова, Е.Ю. Лалаева, О.И. Новокшченнова – Методика развития гибкости при обучении упражнениям в эстетической гимнастике – М., 2006. – С. 52. Grouious G. Tsorbatzoudis H., Alexandis.R., Barkoukis V. Doleft-hand-ded compeetitors have an innate superiority in sports // Persept Mot. Skilis. - 2000. – Vol.90.-№3.P.-P.1273-1282.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Хоразм вилояти Шовот туманидаги 10-сонли умумтаълим мактаби ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарс жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** умумтаълим мактаблари жисмоний тарбия дарсларида болаларнинг мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари:** маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг таҳлили, суҳбат, социологик сўровнома, тест синовлари, педагогик кузатиш, педагогик тажриба, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқишнинг математик статистика услублари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактабларидаги жисмоний тарбия дарсларида мувозанат сақлаш функциясини яхшилашда қобилият туларини тизимли ёндашув асосида ривожлантириш хусусиятлари (ўзгарувчан вазиятларда табақалаштириш ва қайта куриш бўйича) оптималлаштирилган;

умумтаълим мактабининг 5-синф болаларида мувозанат сақлаш функциясини шакллантириш учун «GymTop» технологиясидан фойдаланиш устуворлиги статик ва динамик мувозанатни ривожлантириш механизми (статик сараланган машқлар ва динамик мувозанат учун сараланган машқлар) асосида такомиллаштирилган;

мувозанатни шакллантириш учун махсус комплекс машқлардан фойдаланиш услубияти визуал анализаторлар ёрдамида ва анализаторларсиз машқларни бажариш ёндашувларидан фойдаланиш имкониятларини тизимлаштириш асосида оптималлаштирилган;

болаларда тана мувозанатини сақлаш қобилиятини шакллантирувчи машқлар ва уларни меъёрлаштирилган тартиби зарур чоралар ҳамда усулларни такомиллаштириш (ойлик машғулотларни аниқ тавсиф кўрсаткичлари) асосида фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.**

Умумтаълим мактаблари жисмоний тарбия дарсларида 5-синф ўғил болаларининг мувозанат сақлаш функциясини шакллантириш учун махсус жисмоний машқлар мажмуасини қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда ўқув жараёнига жорий этилган.

Жисмоний тарбия дарсларида болаларда мувозанат сақлаш функциясининг шаклланишини назорат қилиш учун махсус машқлар мажмуаси ишлаб чиқилган.

Жисмоний тарбия дарсларида болаларнинг мувозанат сақлаш қобилиятларини шакллантириш ва назорат қилиш учун «GymTop» тренажёридан фойдаланиш бўйича педагогик тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги махсус машқлар мажмуасидан фойдаланган ҳолда болаларнинг мувозанат сақлаш қобилиятларини шакллантиришга доир ватанимиз ва хорижий адабиётларни ўрганишда қиёсий-таҳлилий ёндашув, тадқиқот мазмуни ва асосий йўналишларининг назарий асосланганлиги, қўйилган тадқиқот вазифалари ва мақсадининг илмий-назарий асосланганлиги, химоя

учун олиб чиқилган асосий илмий ҳолатларнинг тажрибада тасдиқланганлиги, математик статистика услублари ёрдамида тажриба маълумотларининг аниқ ишлаб чиқилганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари умумтаълим мактабларининг ўрта мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбиясининг назарий ва услубий асосларини тўлдиради. Ўрта мактаб ёшидаги болаларнинг мувозанат сақлаш қобилятини шакллантиришга йўналтирилган махсус жисмоний машқлар мажмуасини қўллаш услубияти мазкур соҳадаги назарий билимларни бойитишга ва кенгайтиришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, асосий назарий қоидалар, ўтказилган тажриба маълумотлари ва тавсиялар жисмоний тарбия дарсининг барча қисмларида қўлланилиши мумкин, шунингдек, улардан бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари ва халқ таълими тизимида фаолият юритувчи малака ошириш курслари тингловчилари учун маъруза ҳамда семинар машғулотларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Ўрта мактаб ёшидаги болаларнинг мувозанат сақлаш қобилятини махсус машқлар мажмуаси ёрдамида шакллантириш бўйича ўтказилган тажрибалар асосида:

умумтаълим мактабларидаги жисмоний тарбия дарсларида 5-синф болаларининг мувозанат сақлаш функциясини намоён қилиш қобилятларининг махсус машқлар мажмуаси ёрдамида турли хил даражалари аниқланиб, таклиф ва тавсиялар «Жисмоний маданият назарияси ва методикаси (жисмоний қобилятлар)» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-053 рақамли гувоҳнома). Натижада 11 ёшдаги болаларнинг мувозанат сақлаш қобиляти ўртача 8,4% га ошган;

умумтаълим мактабининг 5-синф болаларида статик ва динамик мувозанат сақлаш функциясини шакллантириш учун «GymTop» тренажёрдан фойдаланиш механизми ишлаб чиқилиб, таклиф ва тавсиялар асосида «Жисмоний маданият назарияси ва методикаси (жисмоний қобилятлар)» номли ўқув қўлланма нашр қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-053 рақамли гувоҳнома). Натижада болаларнинг жисмоний тарбия дарсларига бўлган қизиқишининг ошишига ва статик мувозанат сақлаш қобилятининг 12,2% га ҳамда динамик мувозанатнинг 10,4% га яхшиланишига эришилган;

ишлаб чиқилган махсус жисмоний машқлар мажмуаси жисмоний тарбия дарсларининг тайёрлов қисми таркибига киритилиб, болаларнинг мувозанат сақлаш қобилятини шакллантириш услубияти бўйича таклиф ва тавсиялар асосида «Жисмоний маданият назарияси ва методикаси (жисмоний қобилятлар)» номли ўқув қўлланма нашр қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил

14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-053 рақамли гувоҳнома). Натижада болалар жисмоний тайёргарлигининг 9,2% га ўсишига эришилган; ишлаб чиқилган махсус машқлар мажмуасидан фойдаланиш асосида умумтаълим мактабининг 5-синф болаларида мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган жисмоний тарбия машғулотларининг воситалари ва услубияти такомиллаштирилиб, таклиф ва тавсиялар «Жисмоний маданият назарияси ва методикаси (жисмоний қобилиятлар)» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-053 рақамли гувоҳнома). Натижада жисмоний тарбия дарс жараёнида махсус машқлар мажмуасидан янада самаралироқ фойдаланиш имкони пайдо бўлган ва болаларда мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш даражаси ўртача 15,4% га ўсган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 6 та республика илмий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий-услубий иш эълон қилинган бўлиб, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (3 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат бўлиб 131 саҳифали матн, 10 та расм, 14 та жадвал, хотима, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертация тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Болаларда мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида жисмоний тарбия дарсларида болаларда мувозанат сақлаш қобилиятини ривожлантиришнинг аҳамияти, организм вестибуляр аппаратининг

мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантиришга бўлган реакциясини тадқиқ қилиш масалалари ёритиб берилган.

Ўрта мактаб ёшидаги болаларнинг ҳаракат координацияси қобилиятлари ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган мувозанат сақлаш қобилиятларини комплекс ҳолда тарбиялаш жараёнининг зарур таркибий қисмларидан бири тана мувозанатини сақлай олиш, турли хил ҳаётий вазиятларга боғлиқ бўлган статик ва динамик ҳолатларда мувозанатда тура олиш қобилиятини тарбиялаш ҳисобланади.

Ўрта мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний тарбиясида бу бўлимнинг роли ва ўрни, биринчи навбатда, шу билан аниқланадиги, ҳар қандай ҳаракат амалининг шаклланиши у ёки бу даражадаги мустаҳкам ҳолатни шакллантириш шароитида бошланади ва ҳаракат фаолиятининг асосий шакллари тақомиллаштириш шу ҳолатда оптимал мувозанат сақлай олишга муҳим даражада боғлиқ.

Шундай қилиб, юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, болаларда мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантиришда уларнинг нафақат физиологик ҳолатига, балки жисмоний сифатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Етакчи хорижий мутахассислар болаларда мувозанат сақлаш функциясини шакллантириш учун саккизта қобилиятни ажратадилар.

Афсуски, муаллифлар ўқув жараёнини ўтказиш давомида болаларнинг мувозанат сақлаш қобилиятларини ривожлантириш учун махсус машқларни қўллаш услубиятларини келтириб ўтмаганлар. Бу ҳолат умумтаълим мактаби ўқув жараёни тузилмаларида махсус машқлар мажмуасини ишлаб чиқишни тақозо этади ва бу ерга ҳаракатларда мувозанат сақлаш учун мўлжалланган махсус машқлар ҳамда уларни назорат қилиш усуллари киритилиши зарур. Ўқувчиларда мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш, мувозанат сақлаш қобилиятини ривожлантириш воситаларини танлаш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш муҳим аҳамиятга эга, бироқ воситаларни танлаш масалалари илмий-услубий адабиётларда етарлича ёритилмаган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг услублари ва унинг ташкил қилиниши**» деб номланган иккинчи бобида болаларнинг мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантиришда махсус жисмоний машқлар мажмуасини мактабдаги жисмоний тарбия дарсларига жорий этиш ва улардан фойдаланишнинг долзарблиги асослаб берилган, тажриба давомида қўлланилган илмий тадқиқотлар услублари, махсус илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш натижалари, анкета сўрови ёрдамида жисмоний тарбия ўқитувчиларининг амалий тажрибасини таҳлил қилиш натижалари, назорат-педагогик тестлаш, педагогик тажриба, тадқиқот материалларини математик ишлаб чиқиш натижалари баён қилинган. Педагогик кузатув услуби асосида болаларнинг мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантиришда жисмоний тарбия дарси жараёнида қўлланилаётган машқлар ҳажми, шиддати ўрганилди. Жисмоний тарбия дарси жараёнида амалга оширилган машқлар баённомалари келтирилган. Жисмоний

тарбия машғулоти жараёнида педагогик тажриба тадқиқот услубларининг ўзига хос мажмуи бўлиб, тадқиқот бошида шакллантирилган илмий фараз тўғрилигининг объектив исботини таъминлаб беради. У бошқа услублардан кўра, жисмоний тарбия соҳасидаги у ёки бу янгиликлар самарадорлигини текшириш, машғулотнинг янги, янада самаралироқ восита, услуб ва ташкилий шакллари излаб топиш, тадқиқот билан боғлиқ бўлган масалаларни чуқур ҳал этиш имкониятини беради.

Педагогик тажриба 4 босқичда ташкил қилинди ва ўтказилди.

I босқич (2016-2018 йй) - мазкур мавзу бўйича дастлаб нашр этилган ишларни батафсил назарий таҳлил қилиш, ҳал этилмаган муаммоларни аниқлаш, мазкур тадқиқот мавзусини танлаш, тадқиқот мақсади ва вазифаларини аниқлаш, мазкур муаммони ҳал этиш бўйича амалиётни ўрганиш, жисмоний тарбия назарияси ва амалиётида мавжуд бўлган ўрганилаётган муаммонинг ҳал қилинишига асос бўлувчи чораларни ўрганиш.

II босқич (2018-2019 йй, 1-ярим йиллик) бир қатор вазифалардан иборат: тажриба объектининг (ўқувчилар сони) зарурий сонини танлаш; тажриба ўтказишнинг зарурий давомийлигини аниқлаш, тажриба объектининг бошланғич ҳолатини ўрганиш учун муайян услубий йўналишни танлаш; тажриба-синовда иштирок этаётганларга танланган услубларнинг қулайлиги ва самарадорлигини текшириш.

III босқич (2018-2019 йй, 2-ярим йиллик) - бу босқич қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади: тажриба ўтказилаётган тизимнинг бошланғич ҳолатини ўрганиш (болаларда мувозанат сақлаш қобилиятининг шаклланганлик даражаси аниқланади), таклиф қилинган чора-тадбирлар тизимининг самарадорлиги мезонларини шакллантириш.

IV босқич (2019-2020 йй) - якуний босқич бўлиб, тажриба натижаларини ишлаб чиқишга қаратилган, тажрибадаги чоралар тизимини амалга ошириш натижаларини ёритиш (ўқувчиларда мувозанат сақлаш қобилиятининг шаклланганлик даражаси ҳолати, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш даражаси) тажрибавий таъсир субъектлари (ўқувчи, ўқитувчилар) хусусиятларини таърифлаш, диссертация матнини тайёрлаш.

Диссертациянинг «**Мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш учун махсус машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва унинг услубий таъминоти**» деб номланган учинчи бобда умумтаълим мактабларидаги жисмоний тарбия дарсларида мувозанат сақлаш функциясини намоён қилиш қобилияти турларини тизимли ёндашув асосида ривожлантириш хусусиятлари (ўзгарувчан вазиятларда табақалаштириш ва қайта қуриш бўйича) ёритиб берилган.

Биз, анкета сўрови натижалари асосида ўқувчиларнинг мувозанат сақлаш қобилиятларини таҳлил қила туриб, мувозанат сақлаш функциясининг ривожланиш даражасини назорат қилиш учун қуйидаги қобилият турларини ажратдик (1-расмга қаранг).



**1-расм. Болаларнинг мувозанат сақлаш функциясини шакллантириш учун қобилият турлари**

Расмда болаларнинг мувозанат сақлаш функциясини ривожлантириш учун қобилият турлари алоҳида акс этирилган.

Жисмоний тарбия ўқитувчиларининг амалий иш тажрибаси таҳлил қилинди ва махсус машқларни қўллаш асосида ўрта мактаб ёшидаги 5-синф ўқувчиларида мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш учун «GymTop» тренажёридан фойдаланишнинг услубий хусусиятлари батафсил асослаб берилди. Анкета сўрови натижаларининг кўрсатишича, ўрта мактаб ёшидаги ўғил болаларда мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш муаммоси бўйича ўқитувчиларнинг билим даражаси 11% ни ташкил қилади. Бу шундан далолат берадики, ўқитувчилар машғулотларда болаларнинг мувозанат сақлаш қобилиятларини шакллантиришга етарлича эътибор қаратмайдилар. Биз жисмоний тарбия дарсларида болаларнинг мувозанат сақлаш қобилиятларини шакллантиришга қаратилган махсус жисмоний машқлар мажмуасини ишлаб чиқдик ва амалиётга жорий этдик. Тадқиқот давомида болаларда мувозанат сақлаш функциясини шакллантириш учун махсус «GymTop» тренажёри синовдан ўтказилди. «GymTop» тренажёри Германияда ишлаб чиқарилган бўлиб, ҳозирги кунда Европа мамлакатларида жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларнинг мувозанат сақлаш қобилиятларини шакллантириш учун кенг қўлланилиб келинмоқда. «GymTop» тренажёри болаларнинг нафақат ҳаракат амалларини ривожлантиришга, балки шуғулланувчиларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда ҳаракатларнинг сифати ва ҳажмини ўлчашга имкон беради. Назорат синовлари давомида тажриба бошида қуйидаги натижалар олинди (1- жадвалга қаранг).

1-жадвал

Педагогик тажриба бошида тажриба ва назорат гуруҳларидаги болаларда мувозанат сақлаш қобилиятининг шаклланганлик даражасини аниқлаш бўйича дастлабки натижалар  
(n =32,  $\bar{X} \pm \sigma$ )

Тўр	Машқлар	Тадқиқот гуруҳи	Назорат гуруҳи	t	p
1.	Иккала оёқ учида туриб, оёқлар бирлаштирилган, кўриш назорати орқали тана мувозанатини сақлаш (сония).	11,62±1,04	11,16±1,00	0,69	>0,05
2.	Иккала оёқ учида туриб, оёқлар бирлаштирилган, қўллар юқорида, кўриш назоратисиз тана мувозанатини сақлаш (сония).	11,8±1,06	11,4±1,03	0,85	>0,05
3.	Ўнг оёқда туриб, чап оёқ олдинда 90° га букилган, қўллар юқорида, кўриш назоратисиз мувозанат сақлаш (сония).	9,02±0,80	9,08±0,78	1,89	>,005
4.	Чизиқ устидан юриш (дақиқа).	1,16±0,10	1,17±0,13	0,22	>0,05
5.	Иккала оёқ учида туриб, оёқлар бирлаштирилган, бош орқага эгилган, кўриш назоратисиз мувозанат сақлаш (сония).	5,23±0,41	5,45±0,43	1,17	>0,05
6.	Ўнг оёқда «қалдирғоч» ҳолатида туриб, кўриш назорати орқали мувозанатини сақлаш (сония).	10,3±0,72	10,4±0,74	0,26	>0,05
7.	Квадрат чизиғи устидан юриш (дақиқа).	1,22±0,09	1,19±0,07	0,79	>0,05
8.	Тўлдирма тўп устида икки оёқда туриб, кўриш назорати орқали тана мувозанатини сақлаш (сония).	42,55±3,40	41,44±3,31	0,74	>0,05
9.	Гимнастика тўсини устида кўриш назорати ёрдамида юриб, мувозанат сақлаш (сония)	37,9±3,41	37,3±3,35	0,39	>0,05

Биз болаларда мувозанат сақлаш қобилиятининг шаклланганлик даражасини ифодаловчи 9 та кўрсаткични танлаб олдик. 1-жадвалдан кўриб турганимиздек, оёқларни бирлаштириб, оёқлар учида туриб кўз назорати орқали мувозанат сақлашда тажриба гуруҳи болалари бу машқни 11,62±0,4 сония, назорат гуруҳидаги болалар эса машқни 11,16±0,1 сонияда бажардилар. Ўртача арифметик маълумотларнинг статистик таҳлилига асосан статистик аҳамиятга эга бўлган фарқлар қайд қилинмади ( $p > 0,05$ ;  $t = 0,69$ ). Бу биринчи синов кўрсаткичлари бўйича назорат ва тажриба гуруҳлари орасида статистик аҳамиятли фарқлар йўқлигини кўрсатади.

Иккинчи кўрсаткичга кўра, иккала оёқ учида туриб, оёқларни бирлаштириб, кўллар юқорида, кўриш назоратисиз мувозанат сақлашда қуйидаги натижалар олинди: тажриба гуруҳининг болалари ушбу машқни  $11,8 \pm 0,6$  сонияда, назорат гуруҳидаги болалар эса  $11,4 \pm 1,03$  сонияда бажардилар. Статистик таҳлилнинг натижалари ишончли фарқларни аниқлаб бермади ( $p < 0,05$ ).

Учинчи машқ - ўнг оёқда туриб, чап оёқ олдинга  $90^\circ$  га букилган, кўллар юқорида, кўриш назоратисиз мувозанат сақлашда қуйидагича натижалар қайд қилинди: тажриба гуруҳида -  $9,02 \pm 0,80$  сония, назорат гуруҳида -  $9,08 \pm 0,78$  сония. Аҳамиятлилик даражаси  $p < 0,05$  да натижалар статистик ишончли эмас.


Тўртинчи кўрсаткич - чизик устидан юришда биз қуйидаги натижаларни олдик: тажриба гуруҳидаги болалар  $1,16 \pm 0,10$  дақиқа, назорат гуруҳидаги болалар  $1,17 \pm 0,13$  дақиқа натижа кўрсатишди. Иккала кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқ  $p > 0,05$  да  $t = 0,22$  га тенг бўлди. Бу тажриба ва назорат гуруҳлари болаларининг бир хил тайёргарликка эга эканлигидан далолат беради.

Бешинчи кўрсаткич - иккала оёқ учида туриб, оёқлар бирлаштирилган, бош орқага эгилган, кўриш назоратисиз мувозанат сақлашда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди: тажриба гуруҳидаги болаларда -  $5,23 \pm 0,41$  сония, назорат гуруҳидаги болаларда -  $5,45 \pm 0,43$  сония ( $t = 1,17$ ), бу ерда ҳам статистик ишончли фарқлар йўқ ( $p > 0,05$ ).

Кейинги кўрсаткич - ўнг оёқда “қалдирғоч” ҳолатида туриб, кўз назорати орқали мувозанат сақлашда болаларда қуйидаги натижалар аниқланди: тажриба гуруҳида -  $10,3 \pm 0,72$  сония, назорат гуруҳида -  $10,4 \pm 0,74$  сония ( $t = 0,26$ ;  $p > 0,05$ ). Бу ерда ҳам статистик фарқлар йўқ, гуруҳлар бир хилда жамланган.

Еттинчи машқ - квадрат чизиғи устидан юришда тажриба гуруҳидаги натижалар  $1,22 \pm 0,09$  сонияга, назорат гуруҳида эса  $1,19 \pm 0,07$  сонияга тенг бўлди ( $t = 0,79$ ;  $p > 0,05$ ). Бу ерда ҳам натижалар статистик аҳамиятли эмас.

Тўлдирма тўп устида иккала оёқда туриб, кўриш назорати орқали тана мувозанатини сақлаш машқида қуйидаги натижалар қайд қилинди: тажриба гуруҳида -  $42,55 \pm 3,40$  сония, назорат гуруҳида -  $41,44 \pm 3,31$  сония. Студент t-мезони бўйича  $t = 0,74$  га тенг. Бу шундан далолат берадики, тажриба ва назорат гуруҳлари орасида статистик ишончли фарқлар йўқ ( $p > 0,05$ ). Тўққизинчи кўрсаткич - гимнастика тўсини устида кўриш назорати орқали юриб, танани мувозанатлаш машқида қуйидаги натижалар аниқланди: тажриба гуруҳи болаларида натижа  $37,9 \pm 3,41$  сония, назорат гуруҳида  $37,3 \pm 3,35$  сонияни ташкил қилди ( $t = 0,39$ ;  $p > 0,05$ ). Статистик ишончли фарқлар аниқланмади. Шундай қилиб, жадвалда келтирилган маълумотларнинг таҳлили назорат ва тажриба гуруҳлари орасида барча 9 та кўрсаткичлар бўйича статистик ишончли фарқлар йўқлигини кўрсатди. Юқорида келтирилган натижаларнинг қиёсий таҳлили диаграммада акс эттирилган (2-расмга қаранг).



## 2-расм. Тажриба бошида тажриба ва назорат гуруҳларидаги болаларда мувозанат сақлаш қобилиятининг шаклланганлик даражасини аниқлаш натижалари

Расмда келтирилган натижаларнинг таҳлили назорат ва тажриба гуруҳлари орасида барча 9 та кўрсаткичлар бўйича статистик ишончли фарқлар йўқлигини кўрсатди.

Шундан келиб чиқиб, биз томонимиздан 5-синф ўқувчиларида мувозанат сақлаш қобилиятларини шакллантириш услубияти ишлаб чиқилди. (3-расмга қаранг).



## 3- расм. Болаларнинг мувозанат сақлаш қобилиятларини шакллантириш услубияти

Ушбу расмдан кўришиб турибдики, мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш услубияти кенг ёритиб берилган. Мувозанат сақлаш қобилияти статик ва динамик мувозанат турлари билан фарқланади. Статик мувозанат инсоннинг муайян тана ҳолатининг узоқ вақт сақланиб туришида намоён бўлади. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва тақлиф этилган махсус жисмоний машқлар мажмуаси 9 ой мобайнида ҳар бир дарснинг тайёрлов қисмида 8 дақиқа давомида қўлланилди.

Шунингдек, уй вазифаси сифатида болаларга ўрганилган машқларни мустақил равишда уйда такрорлаш вазифаси топширилди. 9 ойдан сўнг такрорий назорат тест синовлари ўтказилди. Тажриба ва назорат гуруҳларидаги болаларда мувозанат сақлаш қобилиятининг шаклланиш даражаси назорат машқлари ёрдамида аниқланди.

Тадқиқотнинг асосий вазифаси болаларда мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш учун махсус жисмоний машқлар мажмуасини қўллаш услубиятини ишлаб чиқишдан иборат. Ишлаб чиқилган махсус жисмоний машқлар мажмуаси мувозанат сақлаш функциясини яхшилашга мўлжалланган 24 та машқни ўз ичига олади. Барча машқлар 2 та мажмуага тақсимланди (2-, 3- жадвалларга қаранг).

## 2-жадвал

### Статик мувозанат сақлашни шакллантириш учун биринчи махсус машқлар мажмуаси

Т/р	Машқлар	Меъёри	Ташкилий - услубий кўрсатмалар
1.	Иккала оёқ учида туриб, оёқлар бирлаштирилган, кўриш назорати орқали мувозанатни сақлаш.	3та уриниш	Қўллар танага жипслаштирилган
2.	Шу машқ кўз назоратисиз бажарилади.	3та уриниш	Қўллар танага жипслаштирилган
3.	1- ва 2-машқ, фақат иккала қўлларни юқорига кўтарган ҳолда бажарилади.	3та уриниш	Тана ҳолатини тўғри ушлаш.
4.	1- ва 2-машқ, фақат ўнг қўлни юқорига кўтарган ҳолда бажарилади.	3та уриниш	Чап қўл танага жипслаштирилган.
5.	1- ва 2- машқ, фақат чап қўлни юқорига кўтарган ҳолда бажарилади.	3та уриниш	Ўнг қўл танага жипслаштирилган.
6.	Ўнг оёқда “қалдирғоч” ҳолатида туриб, кўз назорати орқали мувозанат сақлаш.	3та уриниш	Гавда букилган ва чап оёқ горизонтал ҳолатда.

## 2-жадвалнинг давоми

7.	Ўнг оёқда “қалдирғоч” ҳолатида туриб, кўз назоратисиз мувозанат сақлаш.	3та уриниш	Гавда букилган ва чап оёқ горизонтал ҳолатда.
8.	6- ва 7- машқ чап оёқда туриб шундай бажарилади.	3та уриниш	Гавда букилган, ўнг ва чап оёқ навбатманавбат горизонтал ҳолатда.
9.	Тўлдирма тўп устида иккала оёқда туриб, кўз назоратисиз танани мувозанатлаш.	1 та уриниш	Ўқитувчи томонидан хавфсизлик таъминланади.
10.	Шу машқ ўнг оёқда туриб бажарилади.	1 та уриниш	Ўқитувчи томонидан хавфсизлик таъминланади.
11.	Шу машқ чап оёқда туриб бажарилади.	1 та уриниш	Ўқитувчи томонидан хавфсизлик таъминланади.
12.	1-2-3-машқлар, фақат кўз назоратисиз бажарилади.	1 та уриниш	Ўқитувчи томонидан хавфсизлик таъминланади.
13.	Гимнастика тўсини устида кўз назорати ёрдамида юриб мувозанат сақлаш.	1 та уриниш	Ўқитувчи томонидан хавфсизлик таъминланади.
14.	Шу машқ, фақат кўз назоратисиз бажарилади.	1 та уриниш	Ўқитувчи томонидан хавфсизлик таъминланади.
15.	5- ва 6-машқлар тўсин устида ўнг ва чап оёқда туриб бажарилади.	1 та уриниш	Ўқитувчи томонидан хавфсизлик таъминланади.

Жадвалда келтирилган махсус машқлар мажмуаси ёрдамида статик мувозанат сақлашни шакллантириш учун кўрсатмалар келтирилган.

Статик мувозанатни шакллантиришга қаратилган ушбу машқлар мажмуаси 2 та дарс машғулоти ўз ичига олиб, машғулотлар жараёнида амалга оширилади. Яъни биринчи дарс машғулоти 1 дан 9 гача бўлган машқлар мажмуасини ўз ичига олади. Кейинги дарс машғулотларида 9 дан 15 гача бўлган машқлар мажмуасини бажариш зарур бўлади. 1- ва 2- машғулот мажмуаларидаги машқлар бошни тезда чап томонга 20 сония айланттиргандан кейин бажарилади. 1- ва 2-машғулот машқлар бошни тезда чап томонга айланттиришдан сўнг бажарилади. 1- ва 2-машқлар кўзлар юмилган ҳолда бажарилади. 1- ва 3-машқлар тик турган ҳолда танани ўнг ва чап томонларга айланттиргандан сўнг бажарилади. 4-машқ гавданинг олдинга  $90^{\circ}$  эгилган ҳолатида бажарилади. Ҳар бир машқлар сериялари оралиғида қўллар ва оёқлар мушакларини бўшаштиришга доир машқлар бажарилади (чалқанча

ётган ҳолда оёқларни силташлар, «велосепед», «қайчи»). Натижада болаларда оёқ мушакларининг иш бажариш функцияси яхшиланади. Жадвалда 1- ва 2-машғулот мажмуаларидаги машқлар бошни тезда чап томонга 20 сония айлантиргандан кейин бажарилади. Ҳар бир машқни бажаришда йўриқчи болаларга хато ва камчиликларни айтиб туриши ҳамда имкон қадар уларни жойида бартараф этишга ҳаракат қилиши лозим.

Динамик мувозанат доимий равишда ўзгариб турадиган ҳолатларда инсоннинг ҳаракат йўналишини сақлаб туришида намоён бўлади (3-жадвалга қarang).

### 3-жадвал


#### Динамик мувозанат сақлашни шакллантириш учун иккинчи махсус машқлар мажмуаси

Т/р	Машқлар	Меъёри	Ташкилий - услубий кўрсатмалар
1.	Ўнг оёқда туриб, чап оёқ олдинда 90 <sup>0</sup> га букилган, қўллар юқорида кўз назорати билан мувозанат сақлаш.	4 та уриниш	Букилган оёқни тушириш мумкин эмас
2.	Шу машқ чап оёқда туриб бажарилади.	4 та уриниш	Букилган оёқни тушириш мумкин эмас
3.	1- ва 2-машқ, кўз назоратисиз бажарилади.	4 та уриниш	Букилган оёқни тушириш мумкин эмас
4.	10 метрли чизик устида мувозанат сақлаб юриш.	1 та уриниш	Чизикдан чикмасдан бажариш керак.
5.	3x3 метрли учбурчак чизик устида мувозанат сақлаб юриш.	1 та уриниш	Чизикдан чикмасдан бажариш керак.
6.	4x1 метр тўртбурчак чизик устида мувозанат сақлаб юриш.	1 та уриниш	Чизикдан чикмасдан бажариш керак.
7.	Диаметри 4 метр айлана чизик устида мувозанат сақлаб юриш.	1 та уриниш	Чизикдан чикмасдан бажариш керак.
8.	6 метр узунликдаги “8” рақами шаклида чизилган чизик устида мувозанат сақлаб юриш.	1 та уриниш	Чизикдан чикмасдан бажариш керак.
9.	4- ва 8-машқлар, фақат тескари томонга юриб бажариш.	1 та уриниш	Чизикдан чикмасдан бажариш керак.

Ушбу жадвалда 1- ва 3- машқлар тик турган ҳолда танани ўнг ва чап томонларга айлантиргандан сўнг бажарилади. Ҳар бир машқни бажаришда йўриқчи болаларга хато ва камчиликларни айтиб туриши ҳамда имкон қадар

уларни жойида бартараф этишга ҳаракат қилиши лозим. 1-машқ - ўнг оёқда туриб, чап оёқ олдинда  $90^0$  га букилган, қўллар юқорида, кўз назорати билан мувозанат сақлаш, букилган оёқни тушириш мумкин эмас. Ушбу машқни ўнг оёқда бажариб бўлгандан сўнг оёқлар алмаштирилиб, машқлар чап оёқда давом эттирилади. 8- машқ 6 метр узунликдаги “8” рақами шаклида чизилган чизик устида мувозанат сақлаб юриш, машқни бажариш вақтида ўқувчиларга чизикдан чиқмасдан бажариш кераклиги ҳақида услубий кўрсатма бериб бориш лозим бўлади.

Тадқиқотда 11 ёшдаги болалар, яъни 5-синф ўқувчилари иштирок этди. Таҷрибанинг барча иштирокчилари ( $n=64$ ) икки гуруҳга бўлинди: назорат ва таҷриба. Гуруҳдаги болаларнинг сони тенг тақсимланди ( $n=32$ ). Жисмоний тарбия бўйича машғулотлар назорат гуруҳида одатдаги мактаб ўқув режасига мувофиқ, таҷриба гуруҳида эса биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган услубиятга мувофиқ ўтказилди (4-расмга қаранг).



**4 - расм. Мактаб ёшидаги болаларда мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш учун махсус машқлар мажмуасидан фойдаланиш услубияти**

